

Махматқул Облқосимов

Mahmatqul Obloqosimov

“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси

Жиззах политехника институти

**ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ
КУЧАЙТИРИШГА ДОИР ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР**

Аннотация: Мақолада етакчи хорижий мамлакатларнинг илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтиришга доир илғор тажрибалари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: интеграция, глобаллашув, “билимларга асосланган иқтисодиёт”, технополис, технопарк, инсон капитали.

Makhmatkul Oblkosimov

Mahmatkul Oblokosimov

Teacher of the "Social Sciences" department

Jizzakh Polytechnic Institute

**BEST PRACTICES FOR STRENGTHENING THE INTEGRATION
OF SCIENCE, EDUCATION AND PRODUCTION**

Annotation: The article analyzes the advanced experience of leading foreign countries in strengthening the integration of Science, Education and production.

Keywords: integration, globalization, "knowledge-based economy", Technopolis, Technopark, human capital.

Таълим – жамиятнинг билим эгаллаш ва уни оммалаштириш биланбоғлиқ эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган институтдир. “Глобаллашув шароитида таълим жамиятни тараққий эттирувчи муҳимомилга айланмоқда. Негаки, замонавий иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчुकучига айланаётган илғор технологиялар “билимлар жамияти”нингшаклланишига олиб келмоқда”[1]. Агар илғари ер, меҳнат ва

сармояиктисодиётнинг негизини ташкил этган бўлса, ҳозирда уларнинг ўрни билан эгаллади. Бундай иқтисодиётни олимлар “билимлар иқтисодиёти” деб атамоқда. Демак, постиндустриал жамиятда интизомли ижрочилардан кўра, яратувчилар, ижодкорларга эҳтиёж кучлироқ бўлади. Бунда доимий равишда ўз устида ишлашга ва узлуксиз билимлар ишлаб чиқаришга қодир юқорималакали ишчи кучи ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ана шундай мутахассисни тайёрлаш – замонавий олий таълим тизимига юклатилаётган янгивазифалардан биридир.

XX асрнинг 80-йилларига қадар олий таълим муассасаларида ўқувжараёнида фойдаланиш мумкин бўлган тадқиқотларгина амалга оширилган. Илмий лойиҳаларни бажаришга талабалар фаол жалб қилинган. Натижада: биринчидан, илм-фан соҳасида ишлаш учун тайёр кадрлар етишиб чиққан; иккинчидан, илмий натижаларни амалиётга татбиқ этиш жараёнлари жадаллашган; учинчидан, миллий иқтисодиёт рақобатда сезиларли устунликка эга бўла бошлаган. Давлат бундай интеграциянинг жамият учун аҳамиятини эътироф этган ҳолда таълим ва фан доирасида амалга ошириладиган ишларни молиялаштиришни ўз зиммасига олган, бизнес доиралар эса тадқиқот натижаларини амалиётда синаш учун майдон ажратган. Шу тариқа олий таълим ва жамият ўртасида ижтимоий шартнома билан белгиланадиган муносабатлар шаклланди. Олий таълим муассасалари малакали мутахассислар тайёрлаши, илмий тадқиқотларни амалга ошириши ҳамда жамиятга хизмат қилиши керак бўлган.

Илмий-техник тараққиётни олдиндан кўра билиш ва сиёсий қарорлар қабул қилишда иштирок этиш. Бу мамлакатда 1982 йилдаёқ “Технополис” деб номланган йирик давлат лойиҳаси амалга оширила бошлаган. Шу лойиҳа доирасида йирик илмий-тадқиқот марказлари тузила бошлаган. Бу марказларни мамлакатнинг чеккароқдаги ҳудудларида яратиш режалаштирилган. Айнан шу ҳудудларда хўжалик фаолиятини фаоллаштириш, ҳудудга хусусий капитални кенг жалб қилиш мақсад

қилинган. Дастлаб 7-8 технополис яратилиши назарда тутилади. Бирок маҳаллий ҳокимият идоралари, ҳудудий иқтисодий ташкилотлар ва хусусий капитал эгалари бу концепциянинг амалга оширилишига қизиқиш билдириб, лойиҳаларда иштирок этиш истагини билдиради.

“Технополис” дастури Япониянинг Ташқи савдо ва саноат вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бу миллий стратегия мамлакат ҳудудларидаги иқтисодиётни кучайтиришга йўналтирилган. Шу мақсадда янги илмий-техник марказларни режали ривожлантириш амалга оширилди, университетлар (илм-фан), бизнес (ишлаб чиқариш) ва маҳаллий ҳокимият (идори этувчи бўғин) ўртасида амалий натижа берадиган ҳамкорликка асос солинди. Дастурда қуйидаги мақсадлар илгари сурилди: Саноатни марказдан ҳудудларга қайта тақсимлаш; Саноатни илмий технологияларга, тежамкор технологияларни қўллашга йўналтириш; Маҳаллий университетлар фаолиятини фаоллаштириш орқали мамлакатнинг барча ҳудудларида илмий тадқиқотларни кучайтириш; Инновацион жараёнларни жадаллаштириш. Бундай сиёсат натижаси ўлароқ илмий-тадқиқот марказлари, технологик марказлар, янги университетлар, аҳоли турар жойлари, дам олиш масканлари ва маданият ўчоқлари билан тўлдирилган янги шаҳарлар қад ростлади. Бундай технополисларнинг майдони уч ўзаро боғлиқ қисмдан: 1. Университетлар, илмий-тадқиқот институтлари ва корпорацияларнинг лабораторияларидан; 2. Ишлаб чиқариш тузилмаларини ўз ичига қамраб олган саноат ҳудудидан; 3. Тадқиқотчилар ва уларнинг оилаларига мўлжалланган турар жойлардан таркиб топади. Фан, таълим ва ишлаб чиқариш (амалиёт)нинг интеграцияси хорижий давлатларда илмий тадқиқотларга йўналтирилган университетлар, технопарклар ва технополисларни ўз ичига қамраб олади.

“АҚШдаги илмий-тадқиқотларга йўналтирилган университетларга хос хусусиятлар қуйидагилардан иборат: саноат билан мустаҳкам алоқалар йўлга қўйилган; профессор-ўқитувчилар таркиби таълим, фан ва ишлаб

чиқариш соҳаси кадрларининг ротацияси (алмаштирилиб борилиши) асосида шакллантирилади; фанлараро ёндашувга асосланган турли хил дастурлар амалиётга татбиқ этилади; кўп сонли молиялаштириш манбаларига таянилади. Японияда эса фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясининг технополис шакли устуворлик қилади, бунда илмий кучлар ва ишлаб чиқариш имкониятларини бир жойда жамлаш, яратилган инновацияларни амалиётга 2жорий этиш мақсад қилинади”[2].

“Фан ва амалиёт воситасида таълим олиш” бундай интеграциянинг асосий тамойили сифатида намоён бўлади. Инновацион тараққиёт йўли инсон капиталига йирик сармоялар сарфлашни тақозо этади. Инновацион салоҳият стратегик ресурс бўлиб, иқтисодий тараққиёт манбаи ҳисобланади.

Ҳозирги кунда интеграция жараёни олий таълимнинг барча даражаларини, фан ва ишлаб чиқариш тизимини камраб олган. Бу интеграциянинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: Фундаментал илмий ғоялар захирасини яратиш; Янги технологиялар яратишга қодир кадрлар тайёрлаш; Илмий-техник лойиҳалар билан боғлиқ молиявий таваккал (риск)ларни камайтириш; Академик ва амалий фан ўртасидаги ўзаро таъсирни кучайтириш.

Адабиётлар:

1. Ruziev, A. J. (2019). Изучение мировоззрения и деятельности мыслителей как исторического критерия. *Theoretical & Applied Science*, (11), 166-169.
2. Ruziyev, A. (2021). Дунёқарашда тарихий хотира ва онгнинг ўзаро диалектикаси. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*, (2), 187-193.
3. Abdurashidovich, T. M. (2022). Sinergetika-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantiruvchi bilim sifatida. *Fan, ta'lim, madaniyat va innovatsiya*, 1(2), 69-73.
4. Azimova, S. Y., & Tojiboev, M. A. (2021). Improvement of spiritual and educational work it is our important task. *Scientific progress*, 2(5), 544-548.

5. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). Content of the concept of synergetics. *Scientific progress*, 3(3), 938-941.
6. Kholbekova, M. A. T. U. (2022). Applications and developments of synergetics. *Scientific progress*, 3(3), 942-945.
7. Неборский Е.В. Модели интеграции образования, науки и бизнеса в университетах США, Европы и Японии // Проблемы современного образования, 2011, № 1, С. 52.
8. Tajibayev, M. A., & Axmedov, J. T. (2022). Sinergetik yondashuv-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantirishning asosiy jihatlaridan biri sifatida. *Scientific progress*, 3(3), 527-532.
9. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). The concepts of sustainability and instability in synergetics are an important principle. *Scientific progress*, 3(3), 930-933.
10. Сафаров, А. И., & Ризаев, И. И. (2021). Этапы самоорганизации социальной системы. In В поисках социальной истины (pp. 237-242).
11. Abdurashidovich, T. M. (2022). Yoshlarda sinergetik dunyoqarashni shakllantirish omillari. *integration of science, education and practice. Scientific-methodical journal*, 3(3), 203-207.
12. Melikuziyevich, K. P., & Abdurashidovich, T. M. (2021). State and community management-as a priority task in the appeal. *International journal of discourse on innovation, integration and education*, 2(2), 133-136.
13. Quvanovich, R. Q. (2021). The Moral Importance of Humanity and Patriotism in Chistiya and Kubraviya. *International Journal on Orange Technologies*, 3(3), 98-103.
14. Рўзиев, А. (2020). Амир Темур қарашларида сиёсий-ҳуқуқий ғояларнинг акс этиши. *Научно-просветительский журнал "Наставник"*.